

Мусулмон киши нима учун яратилди-ю, нима килиши лозимлигини яхши билади. Бу борада у кўнглига келганини эмас, балки Роббисининг каломи билан яшайди. Аллох таоло Куръони Каримда шундай хитоб килади:

«Мен жин ва инсни факат ўзимга ибодат килишлари учунгина яратдим».
(Зориёт-56) ва яна «У сизларни ердан пайдо килиб, сизларни уни обод этувчи этди». (Худ-62)

Мусулмон киши Аллохга ибодат килиш, инсонларга яхшилик килишлик уни икки дунё саодатига олиб келишини яхши англайди. Унга омонат килиб берилган ягона фурсати бўлмиш дунё хаётида, ҳам дунёсини, ҳам охиратини обод килади. Куйида Хаж сурасининг 77-ояти тафсири билан танишсак.

«Эй, иймон келтирганлар! Рукуъ килинглари, сажда килинглари ва Роббингизга ибодат килинглари ҳамда яхшилик килинглари – шоядки, нажот топсангиз!» Хаж-77 Мусулмон киши ушбу ояти карима мазмунидан келиб чиқиб намоз ўқиб, Роббисига ибодат килиб, ўзгаларга яхшилик килишга астойдил ҳаракат килади. Чунки у яхшилик йўлида қўйилган ҳар бир кадам учун Аллохдан улуг ажрлар бўлишига катъий ишонади. Эътибор киладиган бўлсак, ушбу оятдаги аввалги буйруқ намоз ўқишлик масаласида бўлди. Яъни «Рукуъ килинги, сажда килинги». Аслида Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам Аллох таолодан бошқа буйруқларни ҳам олиб келган. Лекин бу ерда намозни хос зикр килинишида бир неча хикматлар бор. Намоз кунига беш марта такрорланадиган мажбурият, ибодатдир. Колган ибодатлар мавсумийдир. Масалан: рўза ҳар йили бир ой, ҳаж кодир бўлган кишига умрида бир марта, закот, ушрлар эса ёки моли нисобга етиб бир йил тўлса ё хосил йигилганда бериладиган ибодатдир. Демак, намознинг фарзлигида бошқа ибодатлардан фарқи бор экан. Шунинг учун ҳадиси шарифда

«Намоз диннинг устунидир», дейилган.

Исломи тарихини ўқиганлар яхши биладикки, қибла вақтинча, маълум муддат Байтуллохдан Байтул Макдисга бурилган. Яъни ўн олти ёки ўн етти ой Байтуллохдан бурилиб Байтул Макдисга қараб намоз ўқилди, сўнгра бироз муддатдан кейин яна Байтуллохга қараб бурилди. Бу Аллох таоло тарафидан бир синов эди. Яхудийлар: «Бул арнинг қибласи Каъба бўлса, унда Байтул Макдисга қараб ўқиган намозлари нима бўлди», деган фитнали гаплар тарқатишди. Бу гап тарқалавериш, хатто баъзилар Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ҳам бу ҳақида сўрадилар. Шунда Аллох таоло ушбу

«Аллох иймонингизни зое қилмас» оятини нозил қилди. Эътибор берилса, гап-сўз, савол, фитна намоз ҳақида бўлди, жавоб эса

«Аллох иймонингизни зое қилмас» ояти билан намоз ўрнига иймон қўйилиб зикр қилинди. Чунки Аллохнинг ҳузурини намоз иймондан, иймон намоздан иборатдир. Сўзимизга ушбу оят очик далилдир. Ушбу оятдан намоз ўқима, кўкрак қериб мусулмонман деб юрганлар ўзларининг қай даражадаги мусулмон эканликларини билиб олишса бўлади.

Бошка ибодатларни Аллох таоло вахий билан Жаброил фаришта оркали фарз килган бўлса, намоз вахий туширувчининг ўзидан тўғридан-тўғри келди. Бунинг мухимлигини мисол тариқасида тушунтирамиз:

Ишхона рахбари ишчисига бир вазифани коғозга ёзиб, хат оркали «фалон, фалон ишларни килиб қўй», дейиши ҳам мумкин. Агар иш мухимрок бўлса, телефон билан боғланиб ишнинг мухимлиги хақида хабар беради. Агар иш бундан мухимрок бўлса, хузурига чакириб иш хақида тўғридан-тўғри гаплашиб тушунтиради. Шариат ҳукмларининг ҳам мухимлигига караб фарз бўлиш даражасида фарқлар бўлади. Намоз бошка ибодатлардан кўра ўзгача фарз бўлган. Намозни Аллох таоло пайгамбар с.а.в.га Аллох таоло билан банда ўртасида боғланиш, робита бўлиши учун ўртага восита қўймасдан, меърож воқеасида тўғридан-тўғри, бевосита фарз килди. Бошка ибодатлар бундай бўлмаган.

Намознинг фарзлиги шу даражадаки, бирон-бир ҳолда ҳам бандадан соқит бўлмайди. Киши камбағал бўлса, унга закот бериш фарз эмас, хажга кодир эмас кишига хаж фарз эмас, касал ёки мусофирга рўза тутиши фарз бўлмайди. Аммо намозни буларнинг бирортаси соқит қилмайди. Туришга кодир эмас киши ўтириб, ўтиришга кодир эмас киши ётиб, имо-ишора билан ўқийди дейилган. Баъзилар имо-ишорага кодир эмаслар кўз қараши билан рукуъ, сажда қилади, хатто калбидан намоз амалларини ўтказиб бўлса ҳам, ўқийди, деганлар.

Мухими доим Аллох таолони ёд қилиб У билан боғланишдир. Хар азон, хар икоматда Аллохнинг зикри бўлади. Бу нарса доимийдир. Чунки бирон бир вақт йўқки Аллох зикр қилинмаса. Масалан: биров бомдод ўқийган пайтда, бошқаси пешинни, ундан бошқаси асрни, яна бири шомни, яна биров эса хуфтонни ўқийган бўлади. Биров рукуъ қилаётганда, биров саждада бўлади, биров бисмиллони ўқийганда, бошқаси алхамдулиллахи роббилъаламийнни ўқийган бўлади.

Юқоридаги мазкур оятда рукуъ ва сажда зикр қилиниб намоздан таъбир берилди. Чунки бу амаллар Аллохга қулчиликни билдирадиган намознинг энг кўзга кўринувчи амалларидир.

Лекин бу рукуъ ва саждани ихлосли мўмин ҳам мунофиқ ҳам бажараверади. Мунофиқлар ҳам ниятлари бошка бўлиб, биринчи сафлардан жой олишиб намоз ўқишга шошилаверади. Аллох таоло уларни ажратишлик учун «**Ва** Роббингизга ибодат қилинганлар» деб хитоб қилди. Мақсад фақат рукуъ ва сажданинг ҳаракатини қилиб қўя қолишда эмас, балки Аллох таолога ихлос билан юзланишдир. Агар ундай бўлмаса бу намоз жисмоний машқдан фарқ қилмай қолади. Баъзилар каби сағлом бўлиш мақсадида намозни жисмоний машқ учунгина ўқиб, рўзани эса соғлиқ учун фойда ниятидагина тутиб савобсиз бўлиб қолади. Булар соғлиқ учун фойда беришида шубҳа йўқ, лекин қачонки Аллох буюргани учун бажаряпман, дейилса, ибодат бўлиб савоб беради. Демак, хар бир қилаётган ибодатимиз, ўқийган намозимиз, масжидга чиқишимиз Аллох учун бўлсин. Бу борада Унга бошка нарсани шерик қилмайлик. Оятнинг давомида «хамда яхшилик қилинганлар – шоядки, нажот топсангиз!» Яхшилик қилинганлар дегани – сиздан зинхор ёмонлик, фасод зохир бўлмасин деганидир. «шоядки, нажот топсангиз!» дейилди. Бу нажот қучишлик дунёда ҳам, охирада ҳам бўлади. Чунки дунёнинг ҳам, охирада ҳам роббиси бирдир, унинг мукофот бериш услуби ҳам бир, яъни дунёда ҳам, охирада ҳам мукофот беради. Аммо хақиқий мукамал нажот қучишлик охирада бўлади. Шунинг учун шариат буюрган ҳукмларни қийин демайлик, Аллох таоло бу амалларни бизни қийнашлик учун юкламаган. Балки

дунёда хаётимиз фаровон бўлиши, охиратда эса Аллохнинг фазли билан нажот кучишимиз учун буюргандир.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам яхшилик килишга буюриб, мархамат килиб айтганлар:

«Куёш балкиган хар бир кунда икки киши ўртасини адолат билан ислох этишинг садакадир. Бир кишини уловига минишида ёрдам беришинг ва юкини уловига кўтариб юклаб беришинг садакадир. Бир кишига яхши сўз айтишинг садакадир. Намоз сари босган хар бир кадаминг баробарида сен учун садака бордир, одамларга азият берадиган нарсани йўлдан бартараф этишинг хам садакадир».

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам шуни алохида таъкидлайдиларки, Ислом дини инсонга ва унинг дунё ва охиратдаги хаётига доир барча ишларни ислох этиш ва тартибга солиш учун келган бўлиб, дин ва дунё, ижтимоий ва рухий хаёт ўртасини асло ажратмайди. Онгли мусулмон тасаввурида инсоннинг барча амаллари, модомики ниятида Аллох таоло розилигини топиш бўлса, шубхасиз, ибодат бўлади. Шунинг учун хам мусулмон кишига яхшилик эшиклари доимо очик, у Аллохнинг кенг раҳмати, бекиёс савоблари ва раҳмати соясида бу эшиклардан хохлаган вақтида кираверади.

Абу Хурайра розияллоху анху Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламдан накл киладилар. Ул Зоти шариф айтдилар: «Табассум билан айтилган чиройли сўз – садакадир». Яна бир хадисда шундай деганлар:

«

Банда модомики биродари хожатини раво килар экан, Аллох таоло унинг хожатини осон килишда давом этади». Бошка хадисда эса:

«

Кимики бир мўминдан дунё кийинчиликларидан бирини енгиллаштирса, Аллох таоло ундан киёмат огирликларидан бирини енгил килади. Кимики хаётда кийналган кишига осонликни раво кўрса, Аллох таоло унга дунё ва охиратда енгилликни ато килур», деб айтганлар.

Агар бундан ожиз бўлса ёки бирор-бир сабаб юзасидан кила олмаса, у вақтда тили ва кўл-оёқларини ёмонликдан тийса, шубхасиз, ажру-савобга сазовор бўлади. Мусулмон кишининг барча саъю харакатлари инсон манфаати хизматида бўлиши зарур.

Баъзи холатларда кишиларнинг яхшилик килишга химмати баланд-у, аммо камбагаллиги, кучсизлиги ёки касаллигига ўхшаш баъзи сабаблардан касд килган хайрли ишларини бажара олмайдилар. Уларга хам ниятига яраша савоб берилаверади. Сахобаи киромлар Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам билан бирга Табук газотига йўлга отланганларида борадиган жой (яъни Табук) узок бўлганлигидан баъзи сахобалар улов топа олмай Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан улов сўраб келадилар. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам «Аллохга касамки, сизларни миндиргани бирор улов топа олмайман», деганлар. Аллох таоло уларнинг рағбатини, Аллох ва Расулига бўлган мухаббатини кўриб, Ўз китобида уларнинг узрлари хакида оят туширди:

«Шунингдек, сизнинг хузурингизга уларни уловли килиб кўйишингиз учун келганларида, «Сизларни уловли килишга нарса топа олмайман», дедингиз. Улар эса сарф килишга нарса топа олмаганлари учун гамгин бўлиб, кўзларидан ёш окиб кайтиб кетдилар. Уларга хам (гуноҳ, таъна йўк)». Тавба-92

Бу воқеа хакида сахих хадисда келганки, Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам Табук газотида шундай деганлар: «Мадинада бир кишилар борки, сизлар бирор

(масофа) юрсангиз, бирор водийни кесиб ўтсангиз, улар ҳам сизлар билан биргадир».

(Сахобалар:) «Улар Мадинада бўлсалар ҳамми?» дейишди. (Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам:) «Уларни Мадинада узрлари ушлаб колди», дедилар.

Чунки улар яхши амални касд килганлар-у, ожизликлари сабабидан бажара олмаганлар. Шунинг учун бажарувчининг ўрнида бўлдилар.

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху Набавий масжидда эътикофда эдилар. Унга юзида кайгу аломати бор бир киши келди. Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху ундан кайгу сабабини сўради. У киши «Эй Расулulloх амакисининг ўгли, фалончининг менинг зиммамда ҳақки бор, бу кабр сохибининг (Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг кабрини назарда тутдилар) хурмати, (адо килишга) кодир бўлмаяпман», деди. Шунда Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху: «Сен хакингда

унга айтайми?» деди. У киши:

«И

стасанг, майли», деди. Ибн Аббос ўрnidан туриб калишини кийиб масжиддан чикканди, халиги одам:

«Н

имада эканлигингизни унутдингизми?» деди. (эътикофни назарда тутиб. Эътикоф – маълум муддат масжидда ўтиришни ният килиб масжидга кириб ва шу муддатдан олдин чикиб кетса, казо бажариш вожиб бўлган амалдир.) «Йўк ва лекин мен бу кабрнинг сохибидан эшитганман, – деб (Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг яқинда вафот килган пайтлари экан) кўзларига ёш олди) ва Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам :

«

Ким бир биродарининг хожати билан юрса ва унга етса, ўн йил эътикоф килгандан яхшидир. Ким Аллохнинг розилигини истаб бир кун эътикофда бўлса, Аллох у билан дўзахнинг ўртасини машрику магриб орасиданда узок бўлган уч хандак узок килади», дердилар», деди.

Эътибор беринг, буюк сахобий, Куръоннинг таржимони деган номни олган Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху бир кунига дўзахдан машрику магрибчалик узоклаштирадиган, бузса казоси вожиб бўлган эътикоф ибодатини бузиб, бошка масжидлардан кўра савоби минг баробар кўпайтириб бериладиган масжиддан, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг масжидидан биродарининг ишига ёрдам беришни устун кўйиб чикяпти. Демак, мўминга ёрдам бериш бунданда улугрок иш экан.

Эзгуликни факат моддий кўмак бериш ёхуд бирор жисмоний ёрдам кўрсатиш деб тушунишлик бирёклама тасаввур килиш бўлиб қолади. Зеро, яхшиликнинг чеки-чегараси йўк. Мехрга, мурувватга мушток кўнгилларни зиёрат этиш ҳам бир яхшилиқдир. Жалолиддин Румийнинг калб тавофини Каъба тавофидан машаккатли эканини таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Тавофи Байтул Халил кори осон аст, Тавофи байтул Жалил кори мардон аст. Байтул Халилдан мурод Иброхим алайхиссалом курган Каъбатуллохдир. Байтул Жалилдан мурод Аллох назар солиб тургувчи мўминнинг калбидир.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят килинади: «Набий соллаллоху алайхи васаллам юриб келиб Каъбатуллохга кирдилар ва уч марта:

«

Эй Каъба, кандаям хушбўй хидинг ва эй хажар, (яъни кора тош) кандаям улуг сенинг хақкинг» деб, яна уч марта

«

Аллохга касамки, мўминнинг ҳаққи сен иккингдан ҳам улугроқдир» , дедилар. Демак, мўмин кишиларга яхшилик қилишга шошилайлик, зеро, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик – жаннатдир. Дарҳақиқат, мусулмон киши жамият учун фақат яхшиликни раво кўрмоғи, ёмонликлардан тийилмоғи ва бошқаларга азият беришдан узоқда бўлмоғи керак. Ҳақиқий мусулмон яхши амалларни қилишда бардавом бўлади, у ҳар вақт Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларига амал қилиб бормоғи матлубдир: «Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига яхши кўрган нарсани, биродарига ҳам раво кўрмағунига қадар чин иймонли бўлмайди».

Яхшиликлар, савобли амаллар бардавом бўлган эл-юрт мустаҳкам бўлиб, тараккий этади. Бундай диёрда инсонлар бир-бирига меҳрли, мурувватли бўлиши муқаррардир. Шу сабаб барчаларимизни доимо эзгу ишлар, яхши амалларга муяссар айлаб, юртимиз, маҳалламиз, хонадонимизларга фойз-барақа ато этишини Яратгандан сўраб қоламиз! Омин.

Азизлар, намоз қай даражада муҳим ибодат эканлигини ушбу ояти қарима тафсиридан билиб олдик. Энди уни тарқ қилиб, қазо қилиб ёки кечиктирмасдан ўз вақтида адо қилайлик.

Қудратуллох Сидикметов